

Иккисига яхшилик қилиш баъзи нафл ибодатлардан устун



16:28 / 09 август 1053

Ота-онага яхшилик қилиш қанчалар муҳим амал эканини ушбу сарлавҳадан ҳам билиб олиш мумкин. Бу ҳақда келган далиллар кўплигидан алоҳида бир боб очишни тақозо қилгани эътиборга сазовордир.

نُبِّ وَرُمِعَ نُبِّهِ لَلْاِذْبَعُ نَع
يَلِ لُجْرَءِجَ: لِقِ صَاغِلِ
هَيْلَعُ هَلِ لِي صِيْبُنِ لِ
دَاهِجِ لِي فُهُنْدَاتِ سِي مَلَسِ و
لِقَو - كَادِلِ اَوْ يَحَا: لِقِ ف

بَلِّغْ - إِنِ ادْرَأَوْكَ لِأُ: دُمَحْمُ دِهَاجَ فِ أَمِّهِ فِ فِ بَلِّغْ مَعْنِ

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан жиҳодга изн сўраб келди. Шунда у зот: «Ота-онанг тирикми?» - Муҳаммаднинг айтишича: «Ота-онанг борми?» - дедилар. «Ҳа», деди у. «Икковлари учун жидду жаҳд қил!» дедилар».

Шарҳ: Яъни Аллоҳнинг йўлига, деб жиҳодга чиққанингдан кўра, ота-онангнинг розилигини олишга ҳаракат қилгин. Уларнинг розилиги учун қиладиган ҳаракатинг сенинг жиҳодинг бўлади, демоқчилар.

Бу ҳадиси шариф ота-онанинг хизмати, уларнинг розилигини иташ, кўнгилларини топиш, дуоларини олиш қанчалар улуғ нарса эканига, ҳаттоки жиҳоддан ҳам юқори даражада турадиган улкан бир хайрли, баракали иш эканига далил бўлади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Аҳамиятли ишларда раҳбар ва олимлардан маслаҳат сўраш лозимлиги.
2. Маслаҳат сўралган олим сўровчининг ҳолини билмаса, ўзидан сўраб ўрганиши кераклиги.
3. Ота-онанинг хизмати ҳам «жиҳод» деб аталиши.

يَلِّغْ لُجْرَ أَجْ بَلِّغْ يَرْهَزْلَانَع
هَيْلَعُ هَلْ لَ صَّيْبُنْ لَ
دَاهِجْ لَ ي فُ هُنْ ذَاتُ سَي مَلَسْ و

وَأَ - إِنِ ادِّلَّ أَوْ كَلَّ لَهْ : لَأَقْفَ
لَأَق - ؟ بَوَّحَ كَلَّ لَهْ : لَأَق
قَلَطْنَ أَف : لَأَق . مَعَن
لَبَّقَ أَف : لَأَق . أُمَّهُ رَبَّ ف
بِالْكُرِّ لَأَلَّخَتِي

Зухрийдан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жиҳодга изн сўраб келди. Шунда у зот: «Сенинг ота-онанг борми?» дедилар. - Ёки: «Сени оқ қилиши мумкин бўлганлар борми?» дедилар. - «Ҳа», деди. «Бор! Икковларига яхшилик қил!» дедилар».

Сўнг у (одамларнинг) елкаларини оралаб тезлаб кетди».

Шарҳ: Кейин ҳалиги одам ўрнидан туриб, тезда юкларнинг орасидан ўтиб, ота-онасининг олдига югуриб кетди.

Бу ҳадиси шарифда саҳобаларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоатларининг ажойиб намунасини кўрмоқдамиз. Изн сўраган саҳобий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини эшитиши билан дарҳол унга амал қилишга шошилди.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Муҳим ишни қилишдан олдин раҳбардан изн сўраш кераклиги.
2. Раҳбар ишнинг табиатига қараб, уни қилмоқчи бўлган одамдан ота-онаси ҳақида сўраши лозимлиги.
3. Фарзи кифоя ҳисобланган жиҳоддан кўра ота-онага хизмат қилиш афзал экани.

4. Раҳбар иш буюрганда дарҳол бажариш кераклиги.

تُعَمَّسُ لِقَاقِ خُوسٍ يَبْأَنَعُ
نَأْنَسُ خُلا نَعُ ثَّ دَحِيَّيْ أَمَّ شَه
تُجَجَّحُ دَقِيَّيْنِ أُهُ لَلِاقِ الْجَر
يَفِي لَتَنْدَأُ دَقِيَّيْمُ أُنَّو
أَهْغَمُ دَعَقَلُ أُهُ لَلِاقِ فِجَّخُ لَأ
بَحَّأُ أِهْتَدِيَّيْ أَمَّ يَلَعُ أُهُ دُعُقَات
لَتَجَّحُ نَمَّيْ لَأ

Абу Исҳоқдан ривоят қилинади:

«Ҳишомнинг Ҳасандан ривоят қилиб, шундай деганини эшитдим:
«Бир киши унга: «Мен ҳаж қилдим. Онам ҳажга рухсат берди»,
деди. «Унинг дастурхонида бир марта ўтиришинг мен учун
ҳажингдан кўра яхшироқ», деди».

Шарҳ: Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи онанинг ҳурмати улуғлигини ва
фурсати ғаниматлигини мана шундай қилиб тушунтирган эканлар.
Онанинг ўзи рухсат берган бўлса ҳам, фарзанд нафл ҳажга бормай,
онасининг дастурхонида бир марта ўтириши унинг учун афзал экан.

Ота-онага яхшилик қилиш нафл ибодатдан яхшироқ, деган маъно шу каби
ишларда ўз ифодасини топади.

لُؤُقَتِ لُجُّرِلَا يِفِ نَسَخِ لَانَعِ
:لَا ق - هُمُ أَيُنَعِي - رَطْفًا هَل
،ءَاضَقِ هَيْلَعِ سَيْلِ وَرَطْفِي ل
أَذِإَوْ رُبْلَاوِ مَوْصِلَا رَجَاءُ هَلَوْ
ةَالِّصِلَا يَلِإِجُّخَتِ أَلِ :تَلَا ق
ةَعَا طَا ذَهَ يِفِ أَهْلِ سَيْلِ فِ
ةَضِي رَفِ هَذَه

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Бир одамга онаси: «Рўзангни очиб юбор», деса, очиб юборсин. Унга қазосини тутиш вожиб бўлмайди. Унга рўзанинг ҳамда яхшилик қилганнинг савоби бўлади. Агар «Намозга чиқма», деса, унга итоат қилмасин, чунки бу фарздир».

Шарҳ: Бир одамга онаси: «Рўзангни очиб юбор», деса, яъни нафл рўзангни очиб юбор, деб айтса, очиб юбораверсин. Чунки нафл рўзанинг қазоси йўқ. Онасини рози қилса, яхши бўлади. Бу ишни онасига итоат қилиб, унинг хурсанд бўлиши учун қилгани сабабли онасига яхшилик қилганнинг ҳам, рўзанинг ҳам савобини олаверади.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Бир одамга онаси нафл рўзасини очиб юборишни буюрса, очиб юбориши жоизлиги.
2. Онаси буюргани учун нафл рўзасини очган одамга қазосини тутиш вожиб бўлмаслиги.

3. Онаси «Нафл рўзангни очиб юбор», дегани учун рўзасини очган одамга ҳам рўзанинг, ҳам онага яхшилиқ қилганинг савоби бўлиши.

يَلَعَمَدَقِ الْجَرَّ نَأْ: دِهَاجُمْ نَع
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصَّ يَبَّنَلَا
، دِهَاجُمْ هَعَمَجَرَخْ وَأَمَّ لَسَو
هُلَلَا يَلَصَّ يَبَّنَلَا هَلَلَقَف
كُؤَبَأْ كَلَنَدَا: مَّ لَسَو هَيْلَع
عُجْرَافَ: لَق، أَل: لَق

Мужоҳиддан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ёки у зот билан бирга жангга чиқди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Отанг сенга рухсат берганми?» дедилар. «Йўқ», деди. «Бўлмаса орқангга қайт», дедилар».

Шарҳ: Демак, жиҳодга ҳам отанинг рухсатисиз чиқилмас экан. Фарзи кифоя ва нафл амалларни қилиш учун кўнгилли бўлиб келган шахслардан ота-онасидан, раҳбаридан рухсат олгани ёки олмагани ҳақида сўраб-суриштириш керак экан.

يَلَعَمَدَقِ الْجَرَّ نَأْ: دِهَاجُمْ نَع
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصَّ يَبَّنَلَا

هُلَّ لِقَافٍ ، أَرَجَاهُمْ مِّنْ لَّسَوِ
هِيَ لَعُ هَلْ لَّا يَلَّصُّ يَبْنُلَا
لِقَافٍ ؟ كَأَوْبَا كَلَّ نَدَا : مِّنْ لَّسَوِ
عُجْرَا ، عُجْرَا : لِقَافٍ .

Мужоҳиддан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига ҳижрат қилиб келди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Сенга отанг рухсат бердимиз?» дедилар. «Йўқ», деди. «Орқангга қайт! Орқангга қайт!» дедилар».

Шарҳ: Демак, ҳижрат ҳам ота-онанинг рухсати, изни билан бўлар экан. Уларнинг ҳаққи поймол бўлмаслиги учун фарзанд аввал улардан рухсат сўраши керак. Агар ота-она рози бўлиб рухсат беришса, ҳижрат қилиш дуруст бўлади. Аммо улар рози бўлишмаса, фарзанд уларнинг хизматини қилиши ҳижратдан афзал бўлади.

ءِطَاعٌ لِّتَلْقَ : لِقَافٍ وَاعْمُ نَع
يَفِي مِّنْ أَيْ نُسْبُحَتْ هُنَا
نَعْرِ طَمْلًا لِّلَّيْلَا
لِقَافٍ . عَامَجَلَا يَفِي لِّصَلَا
أَعْطَا .

Муовиядан ривоят қилинади:

«Атога: «Онам ёмғирли кечада жамоат намозидан мени тутиб қолади», дедим. «Унга итоат қил», деди».

Шарҳ: Чунки бунга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам рухсат берганлар.

لَا أَقْبِبُ شَوْحَ نُبِّ مِأْوَعْلٍ اِنْعَ
يَدِلْ أَوْ يَنْوَعْدِي ۚ دِهْ أَجْمَلُ تَلْقُ
بِجَأْ لَأَقْ؟ ةَالِّصَلِّ اِمَأَقُتَو
كَدِلْ أَوْ

Аввом ибн Ҳавшадан ривоят қилинади:

«Мужоҳидга: «Намозга иқома айтиб турилганда отам мени чақириб қолади», дедим. «Отанга ижобат қил», деди».

Шарҳ: Яъни, отангнинг чақирғига жавоб бер.

Бу каби ишлар бир марта бўлгани учун рухсат берилади. Агар доимий равишда жамоатдан қолишни талаб қилса, бу талабини бажариш жоиз эмас.

نَع ۚ يَرْوُثَلَا نَأِيْفُسُ نَع
نَع ۚ مِأْوَعْلٍ اِنْعَ ۚ عِيْبَّرِلَا يِبَأْ
ۚ هَلْ تَمِب ۚ دِهْ أَجْم

Суфён Саврийдан, у Абу Робийъдан, у Аввомдан, у Мужоҳиддан худди юқоридагидек ҳадис ривоят қилинади.

Шарҳ: Яъни худди юқоридаги гапнинг такрори ривоят қилинган экан. Жамоат намозига иқома айтиб турилганда отаси чақириб қолса, ҳали намозни бошламагани учун отасининг гапига қулоқ солиб, даъватига ижобат қилиш керак бўлади.

لَاقَ ةَ نِّيْ عِ نَبِّ نَائِيْ فُسْ نَع
يَبَأُ نَبِّ هَلْ لَأُ دِيْبُعَ لَأَسْ
وَزَعِيَّأُ زِيْمُ عِ نَبِّ دِيْبُعَ دِيْزِي
وَإِنَّا هِرَاكُ هَاوَبَأُ لُجْرَلَا
أَلْ لَاقَ ؟ أَمْ هَدَحَأُ

Суфён ибн Уяйнадан ривоят қилинади:

«Убайдулоҳ ибн Абу Язийд Убайд ибн Умайрдан: «Бир одам ота-онаси ёки икковларидан бири истамаса ҳам жанг қиладими?» деб сўради. «Йўқ!» деди».

Шарҳ: «Бир одам жангга бормоқчи. Ўша одамнинг ота-онаси ёки икковларидан бири шу ишни истамаса ҳам, борса бўладими?» деб сўраган экан, «Йўқ, бўлмайди», дебди.

Демак, шундай улуғ ва савоб ишга ҳам ота-онани норози қилиб боришга рухсат йўқ экан. Ота-онаси рози бўлиб, дуо қилиб: «Боравер, болам», деса, фарзанд борса бўлар экан. «Борма», дейишса, бормаслиги керак ёки аниқроғи, хоҳлаб турса ҳам бормаслиги лозим.

Бу ривоятда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улуғ эканлиги тушунтириляпти.

الْجَرُّ نَأَى فَوَأْنِبَ قَرَارُزُ نَع
يُنَا لِقَاقِ سَابَعِ نَبَا لَأَس
نِإو، مَوْرَلَا وُزَعَا نَأُ تَرَدَّن
عَطَا لِقَاقِ؟ يِنَاغَ نَمَيِ يَأَوْبَا
دِجَتَسَ مَوْرَلَا نِإَفَ، كُيِ وَبَا
كُزِيغَ أهُ وُزَعَا نَمَ

Зурора ибн Авфодан ривоят қилинади:

«Бир одам Ибн Аббосдан: «Мен румликларга қарши ғазотда қатнашишни назр қилиб қўйган эдим. Энди ота-онам мени ман қилишяпти», деб сўради. «Ота-онангга итоат қил. Румликларга ғазот қиладиган сендан бошқалар ҳам бор», деди».

Шарҳ: Лекин сен ота-онангнинг айтганини қилгин. Ғазотдан кўра сенга уларнинг розилиги керак. Ғазотни сендан бошқалар ҳам қилаверади. У фарзи кифоя амал. Аммо ота-онага яхшилик қилиш сен учун фарзи айн. Бу амални сендан бошқа одам қила олмайди.

Бу ерда ҳам ота-онанинг ғазотдан ман қилишига итоат этиш фарзанднинг бурчи эканлиги таъкидланяпти.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.